

* Спорт * Спорт * Спорт * Спорт

Янги йил 1993 йили жувафқаратди ақуллаган Ўзбекистон спортчилари учун янги снов тайёроқда. Матбуатчи, 1994 йил октябр ойида Хирсияма шаҳрида навбатдаги Осиё ўйинлари ўтказилди. Янгида Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия Комитетининг расмий делегацияси Қувайтда Осиё Олимпия Кенгашининг XII Бош Ассамблеясида иштирок этди. Делегация раҳбари, республика МОКнинг биринчи вице-президенти, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт комитетининг раиси Собир Рўзаев бу ҳақда шундай ҳикоя қилди:

— Осиё Олимпия Кенгашининг Бош Ассамблеясида 43 мамлакатдан 300 га яқин киши иштирок этди. Унда 24 масала муҳокама қилинди. Булардан энг муҳими Марказий Осиё давлатларининг мазкур нуфузли ташкилотга қабул қилинганлиги бўлди. Худудий жойлашувимиз, моддий аҳволимиздан келиб чиққан ҳолда вакилларимизнинг Осиё ўйинларининг Жанубий — Марказий Осиё минтақасида қатнашишга қарор қилганлиги Бош ассамблея қатнашчилари ва МОК Президенти томонидан яхши қабул олинди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Хирсиямада ўтказилган Осиё ўйинларида қатнашиш учун даъвогарлар ўз минтақаларида саралаш мусобақалари ўтказишлари лозим. Аммо Марказий Осиё мамлакатларида бўлган сингалларда қатнашишга фурсат қолмаганлигини ҳисобга олиб, уларга келгуси йили Осиё ўйинларига тўғридан-тўғри боришга рухсат беришди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, биз Жанубий-Марказий Осиё минтақаси мусобақаларида иштирок этамиз. Демак,

МЎЛЖАЛ—ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ



бизнинг рақибларимиз Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Шри-Ланка, Бутан, Малидиш, Бангладеш, Непал давлатлари спортчилари бўладилар.

Аслида Осиё ўйинларида ҳар бир мамлакатдан 235 тадан спортчи қатнашиши мумкин. Сир эмаски, Осиё ўйинлари шаҳарчаси бундан тўрт йил муқаддам белгиланган иштирокчилар со-

нига қараб лойиҳалаштирилган. Бугунги кунда эса собиқ Иттифоқ таркибига бўлган мамлакатлар ҳисобига ООК аъзолари сон ошди. Шу сабабли имкониятдан келиб чиққан ҳолда Марказий Осиё давлатларига ҳозирча юзтадан ўрин ажратилди. Аммо Осиё Олимпия Кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал Сабоҳ бу масалани яна бир бор қў-

риб чиқиб имкон қадар қўшимча жой берилишига таъминлашга қўмаклашувини айтди.

Осиё ўйинлари дастуридан 28 спорт тури ўрин олган. Биз бундан ўнга яқин спорт тури бўйича, жумладан, кураш, оғир атлетика, мергалин, енгил атлетика, футбол, чим устида хоккей бўйича совринли ўйинларни эгаллашга асосий даъвогарлардан бири ҳисобланишимиз мумкин.

Бундан ташқари Қувайтда Ўзбекистон делегацияси халқаро спорт алоқаларини кенгайтириш мақсадида қатор учрашувлар ўтказди. Осиё Олимпия Кенгаши Президенти Шайх Аҳмад ал Сабоҳ, ООК бош директори Муталиб Аҳмад, мазкур мамлакатнинг қидиқбозлик, волейбол, енгил атлетика Федерациялари президенти, Эрон Президентининг қизи, Эрон миллий Олимпия Комитети вице-президенти Рафсанжоний хоним билан аёллар спортини ривожлантириш тўғрисида олиб борилган мулоқотлар яқин келаянда ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Осиё Олимпия Кенгашининг XII Бош Ассамблеяси ишда Халқаро Олимпия Комитети Президенти Хуан Антонио Самаранч, ХОК бош директори Франко Каррар, ХОК қозғалди Миллий Олимпия Комитетлари Ассоциациясининг Президенти Марко Рана иштирок этди.

Хирсиямада ўтказилган Осиё ўйинларининг бошланишига яна ўн ой қолди. Бу муҳлат ўзбек спортчилари учун катта сивовга мунаммал тайёргарлик қилишга, Осиёнинг энг кучли спорт юлдузлари билан басма-бас беллаша олишга ҳам жисмонан, ҳам руҳан пойдевор қўйиб олишлари учун етарли. Бу улкан сивов ўзбек спортининг янада юксаларга парвоз қилишига замин бўлиб хизмат қилишига аминман.

Шоҳруҳ ЗИЕВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОЛАР

Тоза сув - ҳар бир хонадонга!



"УЛУҒБЕК" МУҲАНДИСЛИК МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



"АКВА" ичимлик суви
тозалаш учун
қўлланиладиган
филтратлар.
"АКВА" юқори самарали,
енгил, яхши филтрат
водопровод сувини
кўрғини, самоб, жис,
кадний, кобальт, темир,
руҳлардан, уларнинг
бирикмасидан,
радионуклидлар, дағал
тузалардан, ечимсиз ҳид
ва ҳоказолардан
тозалайди.

Бир соат ичида Сиз 20 литр экологик
тоза сув оласиз!

ФИЛЬТРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТИ 5 ЙИЛ МОБАЙНИДА
АЛМАШТИРМАСДАН ИШЛАТСА БУЛАДИ.

Ҳақ тўлаш тартиби - турлича. Чакана нарҳда
ва кўтарсига харид қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефонлар:
76-66-72, 34-87-04, 22-06-44

Бизнинг филтратларни Сиз Гоголь кўчаси,
38-уйда жойлашган "Электроника"
дўконидан сотиб олишингиз мумкин.

«ФАРИФ» ФИРМАСИНИНГ МИЖОЗИ БЎЛИШ БИЛАН СИЗ, ПУЛЛАРИНГИЗНИ ҚАДРСИЗЛАНИШДАН МУҲОҒАЗАЛАГАН БЎЛАСИЗ! «ФАРИФ» ФИРМАСИ

— буюртмачининг пули ва истатидан келиб
чиққан ҳолда Тошкент шаҳрининг исталган
туманидаги кооператив квартиралар ва хусу-
сий уйлари сотади ва сотиб олади;
— пойтахтнинг энг нуфузли жойларидаги
уйлар ва квартираларни ижарага беради;
— янги енгил автомашиналарни сотиб ола-
ди ва сотади;
— кўчмас мулкни энг қисқа муддатларда
сотиб олиш ва сотиш учун ҳужжатларни рас-
мийлаштиради.

БИЗ СИЗ УЧУН ИШЛАЙМИЗ! ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДАГИ КЎЧМАС МУЛК — СИЗНИНГ ОБРУ-ЭЪТИБОРИНГИЗ ДЕМАКДИР.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мир Темур
кўчаси, 24-уй (Олой бозори), 703, 704-хона-
лар. Телефонлар: 33-76-32, 34-95-29.
«БАХТ» филиали: Матбуотчилар кўчаси,
48-уй. Фан ва техника уйи, 6-хона. Телефон:
32-01-29.
«Ҳамид» филиали: Очил Бобонозов кўча-
си, 13-уй (Шимолий Олмазор). Телефон:
48-11-22.

РЕСПУБЛИКА «ПАХТАКОР» СПОРТ- МАШҒУЛОТ БИРЛАШМАСИНИНГ ШАХМАТ-ШАШКА КЛУБИДА 7 ёш ва ундан катталар учун ПУЛЛИ ШАХМАТ-ШАШКА МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Машғулотни малакали педагоглар олиб боради-
лар.
Хоҳловчилардан шахмат-шашка клуби биносида
1994 йил 3 январдан соат 9.00 дан 17.00 гача ари-
залар қабул қилина бошланди.
Машғулотлар гуруҳлар жамлангандан сўнг бош-
ланади.

МАНИЛИМИЗ: Тошкент, «Пахтакор» ўйингоҳи.
Шахмат-шашка клуби.
29 декабрдан 30 декабрга ўтар кечаси «Ўз-
бекбирлашув» биносининг ҳовлисида «Ўзкооп-
транс» ассоциациясининг ҳужжатлари соли-
ган портфель йўқолди. Шунинг билан олган ки-
шидан муқофот эвазига 45-79-93 телефонига
қўнғироқ қилишнинг ёки «Ўзбекбирлашув» би-
носининг 12-қаватидаги 1214-хонага келтириб
беришнинг сўраймиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Тоштакмирқурилиш» трес-
тининг бошқарувчиси Ж. Ю. Мақсудовга акаси
Тойир
ЮНУСОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор
қилади.

«Тошкент оқшоми» газетаси жамоаси газетанинг фвал
жамоати муҳбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
врач, шахсий пенсиясиз
Зиёрилла ЭТАМБЕРДИЕВИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига
чуқур таъзия изҳор қилади.

«Маданий моллар» Республика акционерли бир-
лашмаси жамоаси база ходими У. Миновархўжаевга
оғаси
Мақбуба МИНОВАРХЎЖАЕВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор
қилади.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи ва шу
олийгоҳнинг кўз касалликлари кафедраси жамоаси
докторант Ф. О. Бахриддиновга оғаси
Ойша БАХРИДИНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор
қилади.

* Спорт * Спорт * Спорт * Спорт

Сарлаҳадан ажабланма-
сангиз ҳам бўлади. Биз
ҳам аяллага таяжқубла-
ган эдик. Кейин эса ҳамма-
си равшан бўлди-қолди...

Янгида шаҳар Ички иш-
лар бош бошқармасининг
уюшган жиноятчиликка қар-
ши кураш бошқармасининг
тезкор вакиллари томонидан
бир гуруҳ жиноятчилар қўл-
га олинди. Улар юртими-
нинг қимматбаҳо саноат
хом ашёси ҳисобланмиш
симобин катта миқдордаги
валютага сотишга уш-
ландилар. Жиноятчиларнинг

МУАССИС :
ТОШКЕНТ
ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

* Жиноят жазосиз қолмайди

БЎЁҚЧИНИНГ ТЎППОНЧАСИ

маълумотли муҳандис, ша-
ҳардаги институтларнинг
биринда толибларга таълим
ҳам беради...

Ишқончимиз қомилки, жино-
ятчиларнинг асли башараси
қўни кунларда халққа ош-
кор этилади. Сотувчилар,
харидорлар, ўртада восита-

чилик қилганлар ва хом
ашёнинг қайси қонхонадан
ўмарилганлиги аниқланиб
айбдорлар қилинларига
яраша жазо оладилар. Ахир
жиноятчилар қўллари охи-
ригача суяк ҳам урмай, 10
килограмм симобин 18 ми-
н долларга пулламоқчи эди-
лар. Аммо уларнинг бу
шум ниетлари амалга ош-
мади.

Тошкент шаҳар Ички
ишлар бош бошқармаси
қўни кунлардан яна бир
жиноят гуруҳининг қўлга
олинганлиги ҳам халқ кўп

вақт бўлган йўқ. 17 йилдан
ибораат жиний гуруҳ 32
тоғна рангли металллар
сотишга ушайди қўлга олинди.
Жиноят жазосиз қолмайди,
қингир ишнинг қингир қирқ
йилдан кейин ҳам чиқади.
деб шунга айтилади-да.
Мирзааров МАМАЖОНОВ.
Тошкент шаҳар Ички иш-
лар бош бошқармаси мат-
буот гуруҳи ходими.

Бош муҳаррир:
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Респуб-
ликаси Давлат матбуот ко-
митетида рўйхат олинган.
Рўйхат соғин — 10.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 33-29-70;
эълон ва тижорат

хабарларини жойлаштириш
масалалари бўйича
32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат
хабарлари аниқ ва
тўрилик учун
жавабгарлик уларни
берган ташкилот ва
шахслар зиммасидадир.

МАНИЛИМИЗ: 700000, ГСП,
Тошкент, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 3 босма табоқ,
Офсет. Қўроғи бичими А — 2
Нашр кўрсаткичи 64600.